



BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 128

2020 йил "2" декабрь

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда- “Низом”) Банк Бошқарувининг 2018 йил 30 майдаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом”га бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, мазкур ўзгартиришларда “Шахсий қабул” тушунчаси чиқариб ташланган, “сайёр қабул” тушунчаси кенгайтирилган, шунингдек корхона ва ташкилотларда фуқаролар қабуллари бўйича аниқ графиклар ишлаб чиқиш, мурожаатлар билан ишлаш натижалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш талаблари киритилган.

Шу сабабли, Банкнинг бу борадаги ички меъёрий ҳужжати ҳисобланган Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Банк Бошқаруви тўғрисидаги низом талабларига кўра, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш Банк Бошқаруви ваколатига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек Банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини янада такомиллаштириш мақсадида, Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижро назорати департаменти (А.Файзуллаев) мазкур Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлангандан сўнг барча таркибий бўлинмалар ва филиалларга етказиш ҳамда мазмун-моҳиятини тушунтиришни ташкил қилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Акбаржонов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси



С.Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



А.Акбаржонов

Бошқарув Раиси ўринбосари



З.Азимов

Бошқарув Раиси ўринбосари



А.Эргашев


Бошқарув Раиси ўринбосари

Я.Абдуроззоков

Бошқарув Раиси ўринбосари


У.Таваккалов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори



О.Вохидов


Юридик департамент директори



Б.Норхужаев

Киритилди:

Ижро назорати
департаменти директори



А.Файзуллаев

Методология бошқармасида
2020 йил “2” декабрь да
263-1 - сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”



Банк Бошқарувининг 2018 йил 30 майдаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Низомнинг 3-бандига қуйидаги мазмунда ўн иккинчи хатбоши қўшилсин:

“**сайёр қабул** — банк ва унинг филиаллари раҳбарлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи”.

2. Низомнинг 8-бандига қуйидаги мазмунда иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг банкка бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожаатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди”.

3. Низомнинг 25-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзма ва электрон (банк ва унинг филиалларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш дастури жорий этилмаган бўлса, қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш дафтарига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармасида рўйхатга олинади”.

4. Низомнинг 37-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон мурожаатлар иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади”.

5. Низомнинг 54-банди иккинчи хатбошисидан ва 63-бандидан “шахсий” сўзи чиқариб ташлансин.

6. Қуйидаги мазмундаги 54¹-банд қўшилсин:

“54¹. Барча қуйи филиал раҳбарларининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равишда юқори турувчи минтақавий филиал раҳбарлари томонидан, минтақавий филиал раҳбарларининг қабуллари жадвали эса Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади”.

7. Низомнинг 55-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“55. Банкда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби банкнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Сайёр ва оммавий қабул ўтказиладиган вилоят, шаҳар ва туманлардаги тегишли филиаллар томонидан бир ҳафта олдин аҳоли билан тарғибот ишлари амалга оширилади”.

8. Низомнинг 62-бандидаги “шахсан” сўзи “шахсий, сайёр ва оммавий” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Низомнинг 64-бандидаги “сайёр шахсий қабуллар” сўзи “сайёр ва оммавий қабуллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Қуйидаги мазмундаги 65¹ ва 65²-бандлар қўшилсин:

“65¹. Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига банклар томонидан амалга оширилган ишлар, мавжуд камчиликлар, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари тўғрисида фуқароларга етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимларини топиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим”.

65². Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади”.

11. 78-бандда:


Қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Ҳар ой якуни бўйича банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан ўтказилган учрашувлар натижалари тўғрисида маълумотлар умумлаштириб, таҳлил қилинган ҳолда муҳокама этиш учун Банк Бошқарувига киритилади”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Киритилди:


Ижро назорати
департаменти директори



А.Файзуллаев

Келишилди:

Риск менежмент департаменти
директори



З.Усманов

Комплаенс-назорат департаменти
директори



Б.Шоймарданов

Юридик департамент
Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
ва ҳуқуқий таъминлаш
бошқармаси бошлиғи



О.Сулаймонов

Методология бошқармаси бошлиғи



Ш.Низаметдинов